



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 18-aprel. Shanba • 45 (31.948)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ,

биз кўпроқ камчиликларни бартараф этиш ҳақида ўйлашимиз зарур

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ 10 АПРЕЛЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР, ТАНЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ НАҚАДАР ТЎҒРИ ЭКАНЛИГИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАНИ ҲАҚИДА МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЎТДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ.



Президентимиз ўз чиқишида яна бир бор аччиқ ҳақиқатни эсга солди: «Агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаиш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл кўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин». Қайси соҳада ким бўлиб фао-

лият юритишимиздан қатъи назар, ҳаммамиз бу даъватдан ўзимизга тегишли ҳулосалар чиқариб олишимиз, ишимизга танқидий баҳо бериб, шу асосда келгуси режаларимизни белгилаб олишимиз зарур.

Бу масала, айниқса, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, уларнинг ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки

мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда, жамиятимизда сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда, ижтимоий-иқтисодий фаолликни оширишда, фуқароларни янгича фикрлашга ўргатишда сиёсий партиялар фаолияти муҳим ўрин тутди.

► Давоми 2-бетда.

Эътироф

Халқаро майдондаги замонавий тамойилларни ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётнинг глобал ҳамжамият учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади.

Мен Ўзбекистонни ўзимнинг иккинчи Ватаним ҳисоблайман. Мамлакатингизга сафарим чоғида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари гўзаллиги, улар бағридаги маҳобатли ёдгорликлар ҳамда диққатга сазовор маданий масканлар менда катта таассурот қолдирди. Шу билан бирга, халқингиз мамлакатингиздаги бой маънавий ва моддий меросни авайлаб-асраётганига ҳам гувоҳ бўлдим.

Сулаймон Жасир Ал-Хербиш, ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси бош директори.

МУНОСАБАТ

КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ЮРАГИГА ЕТИБ БОРИШ, КЎНГЛИНИ КЎТАРИШ

барчамизнинг инсоний бурчимиздир

ИНСОН ЁШИ ЎТГАНИ САЙИН МЕҲР-ЭЪТИБОРГА, АТРОФДАГИЛАРИНИНГ ҒАМХЎРЛИГИГА ЭҲТИЁЖ СЕЗАДИ. 2015 ЙИЛНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ЗАМИРИДА ҲАМ ФИДОЙИ БОБОЛАРИМИЗ, САБРЛИ МОМОЛАРИМИЗ, ЎТМИШНИНГ ОФИР КУНЛАРИНИ БОШИДАН ЎТКАЗГАН НУРОНИЙЛАРИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ, УЛАРГА МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРСАТИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАД МУЖАССАМ.

Президентимизнинг «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши ўтаётган ҳафтанинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлди, дейишга тўла асосларимиз бор. Мазкур Фармонда 100 ёшга тўлган ва ундан ошган шахсларга муносиб эътибор қаратиш, шунингдек, пенсионерлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини янада ривожлантириш зарур. Бунда иш берувчиларнинг ўқувчиларнинг юқори касбий малакасини кафолатловчи ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш борасидаги масъулиятини ошириш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

my.gov.uz орқали мурожаат қилинг,

қисқа вақт ичида жавоб оласиз

Мурожаат, ариза ёки шикоятингизни тегишли давлат органига юбориш учун эндиликда олис йўл босиб юриш, навбатда туриб, узоқ муддат жавоб кутиш ёки яна қандайдир бошқа овозгарчиликларга ҳолат йўқ. Буни интернетдан фойдаланган ҳолда my.gov.uz портали орқали санокли дақиқаларда амалга оширишингиз мумкин. Мурожаатингиз жуда қисқа вақтда эгасига етиб боради ва унга албатта жавоб берилади.

my.gov.uz — Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) 2013 йилнинг 1 июлидан ишга туширилган ҳамда тегишли Низоми мувофиқ фаолият юритади. my.gov.uz давлат органлари томонидан кўрсатилдиган бепул ва пуллик интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг ягона электрон манзилдир.

Бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳолига 230дан зиёд интерактив, жумладан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган хизматлар кўрсатилаётган. Ягона портал орқали яна қайси хизматларни электрон кўринишга ўтказиш юза-

сидан таклифлар беришингиз, давлат органи раҳбарияти қабулига ёзилишингиз, турли ташкилотларда муҳокама қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингиз мумкин.

Ушбу портал, айниқса, жисмоний имконияти чекланган кишилар, кексалар, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, яъни ЎзХДП электорати вакиллари ҳам катта қўлайлик яратиб бермоқда. Фуқаролар мурожаатлари қисқа фурсатларда ҳал этилапти.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«Ёш сиёсатчи – 2015» кўрик-танлови

Денов туман босқичи бўлиб ўтди

Кўрик-танловнинг туман босқичида бу йил 15 нафар иштирокчи ўрта шарт бўйича ўзаро беллашди. Улар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини синаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ЎзХДПнинг Сайловолди дастури билан боғлиқ шартлар бўйича ўз билим ва иқтидорларини намойиш этишди.

Танлов якунларида кўра, Муродулло Шоймардонов 1-ўринни эгаллади ва вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ҳамда учинчи ўринлар эса Абдувоҳид Тўлаганов ва Шаҳноза Абдуалимовага насиб этди.

— Танловга пухта тайёргарлик кўрган им ўз самарасини берди, — дейди 23-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муродулло Шоймардонов. — Бугун танловнинг туман босқичида ғолиб бўлдим, энди вилоят босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Кўрик-танлов якунида ғолибларга ЎзХДП Денов туман кенгашининг махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АЗИЗ ГАЗЕТХОН!

«Ўзбекистон овози»га йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда!

• Парламент фаолияти, партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси,

• ЎзХДП ташкилотлари ташаббуслари ва амалий ишлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти билан танишиб боришни истасангиз,

• ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги таҳлилий мақоалаларни ўқимоқчи бўлсангиз,

• тиббиёт, маданият, спорт соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан вақтида хабардор бўлишни хоҳласангиз,

«Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!

Газетага Ўзбекистоннинг исталган почта ва матбуот тарқатувчи бўлимлари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна нақд ва пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. ОБУНА ИНДЕКСИ – 220



ОБУНА — 2015

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Электрон тижорат ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам қўлайлик яратади

Парламент назорати ҳақида ким қандай фикрда?

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат fronti фахрийларига уй-жой-коммунал хизматлар учун тегишли имтиёзлар берилди.

МУНОСАБАТ

КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ЮРАГИГА ЕТИБ БОРИШ, КЎНГЛИНИ КЎТАРИШ

барчамизнинг инсоний бурчимиздир

Ёкуб УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси:

— «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида нуронийлар, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини яратиш, шунингдек, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг 2015-2020 йилларда ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш борасида Давлат дастури ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Президентимизнинг ушбу Фармони эса бу борада муҳим қадам бўлади. Унга кўра, 2015 йилнинг 1 майдан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорига устама тўлаш белгиланди.

100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда тўланадиган устама Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давом. Бошланғич 1-бетда.



Бугунги кунда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, алоҳида эътиборга молик томони 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук кексалар яшамокда. Улар орасида 3 минг нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг нафардан ортиқ фронт ортида меҳнат қилганлар борлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Мазкур рақамлар Президент Фармони аҳамияти ва моҳиятини янада чуқурроқ намойён этади. Кексаларга кўрсатилаётган моддий ва маънавий қўмак биринчи навбатда ёшларимиз учун катта

тарбиявий аҳамиятга эга. Қолаверса, табаррук ёшдаги отахону-онахонларимизнинг бугундан мамнун, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади.

Ушбу Фармон, умуман, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ижроси устидан самарали депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу вазифалар партиямиз Сайловолди дастури билан ҳамоҳангдир. Шу боис халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари жойларда кексаларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган ишлар

да фаол қатнашиши талаб этилади.

Фаррух ПАРДАЕВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси мутахассиси:

— Президент Фармони-га мувофиқ, 2015 йилнинг 1 майдан уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича энг кам иш ҳақининг табақалаштирилган миқдорига ҳар ойда компенсация пул тўловлари бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат fronti фахрийларига уй-жой-коммунал хизматлар учун тегишли имтиёзлар берилди.

Шу билан бирга, 2015 йил давомида 75 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролардан тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисобланиши, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиши тўғрисидаги текшириш натижаларига кўра, аниқланган ортиқча тўланган пенсия ва нафақалар миқдори ҳисобдан чиқарилади.

Бу дегани 75 ёшга тўлган фуқаролардан турли англашилмовчиликлар натижасида ортиқча тўланган пенсия маблағлари қайтариб олинмайди.

Бугунги кунда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, пенсионерларга қатор интерактив давлат хизматлари кўрсатишмоқда. Кексаларни пенсия таъминоти ёки бошқа бирор масала юзасидан саволлари, муаммолари бўлса, жамғарманинг ўзлари яшаб турган ҳудуддаги бўлимларида мурожаат қилишлари мумкин. Уларга тез ва сифатли хизмат кўрсатилади.

Мирсултон ХУСАНОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Президентимиз Фармонини телевизор орқали эшитиб, тўғриси, жуда ҳам тўқинланиб кетдим.

Уруш кўп қатори бизнинг оиламизга ҳам оғир кулфатлар олиб келди. Отам, акам уруш қурбони бўлди. Ўша йиллари одамлар фақат жон саклаш, тўйиб овқат ейиш ҳақида ўйларди. Бошқа бирор нарсани орзу ҳам қилолмасдик.

Урушдан сўнг 40 йилдан кўпроқ вақт мобайнида темирйўл соҳасида меҳнат қилдим. Фарзандларим олий маълумотли бўлди. Бугун неваравараларим ҳам ҳаётда ўз йулларини топишпти.

Ҳар йили санаторияларда бепул дам олиб, соғлиғимизни мустаҳкамлаймиз. Маҳалла-қўй, тиббиёт ходимлари, ёшлар тез-тез ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Йигилар, ёшлар билан учрашувларга таклиф этишади. Ёшларга юртимиздаги тинчлик-осойишталик ҳамма нарсадан қадри экани, уни асраб-авайлаш жуда муҳимлигини доим таъкидлайман.

Бу йил биз каби нуронийларга бўлган эътибор янада кучайди. Президентимизнинг бизнинг соғлиғимиз, дам олишимизга қаратилган, моддий қўллаб-қувватлаш назарда тутилган қарорлари, фармонлари эълон қилинмоқда. Бундай эътиборни қўриб, кўнглинг тоғдек кўтарилади, ўзингни янада тетик ҳис қиласан...

Яқинда 90 ёшга тўладиган бу табаррук отахоннинг шуқроналикка йўғрилган дил сўзларини юртимиздаги барча нуронийлардан ҳам эшитиш мумкин. Энг асосийси, кексаларимизга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлик уларнинг ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Польша Республикаси Силезия Савдо-саноат палатаси ишбилармон доираси вакилларининг ўзбек-поляк қўшма бизнес-форуми ташкил этилди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон — Польша иқтисодий ҳамкорлигида 22 та корхона фаолият юритмоқда, — деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси раҳбари Назира Дадахонова. — Улардан тўрттаси юз фоиз хориж капиталига асосланган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошида Польшанинг 6 та корхонаси аккредитациядан ўтган.

— Мен Ўзбекистонга аввал ҳам келганман, — деди Силезия Савдо-саноат палатаси директори Ришард Тужаньский. — Бизни ҳамма азиз меҳмон сифатида кутиб олишади. Бундай ҳурмат-этибордан хурсандмиз. Ишлаб чиқариш лаёқати кучлилиги ва бой хомашё захираларига эга бўлган Ўзбекистонга дунё мамлакатларининг қизиқиши катта. Биз ўзаро ишонч ва шаффофликка асосланган ҳамкорликни ҳаётда қадрлаймиз ва шу маънода Польша ишбилармон доиралари айнан ўзбекистонлик ишбилармонлар билан алоқаларни кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган.

Бизнес-форум якунида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича икки томонлама битим имзоланди.

Ўз мухбиримиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» КРЕДИТЛАРИ

аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хотин-қизлар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 15 миллиард сўм миқдорига кредит ажратилди. Шунингдек, ма-

ҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш учун 47 миллиард сўм кредит йўналтирилди. Шу билан бирга озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқ-

аришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш йўлида ишлаб чиқарувчиларга 29 миллиард сўм кредит берилди.

Коллеж битирувчиларига ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 2,7

миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ушбу кредитлари ҳисобига иқтисодиёт тармоқларида 950 та янги иш ўрни яратилди.

Мақсуд АМИНОВ,

«Шифо» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз кенг турдаги хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятлари билан шуғулланади. Ҳозирда Термиз шаҳрида хусусий клиникамиз ва Шеробод шаҳрида тиббий марказимиз мавжуд бўлиб, улар вилоятимиз аҳолисига замонавий тиббий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Бу борада АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сурхондарё минтақавий филиалининг корхонамизга кўрсатаётган молиявий қўмаги кўл келмоқда. Банкнинг дастлабки ажратган 96 миллион сўм кредити эвазига Термиз шаҳридаги клиникамизни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозладик.

Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида Шеробод шаҳридаги тиббий марказимизни ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида банкнинг Сурхондарё минтақавий филиалига мурожаат қилдик.

Тез фурсатда банк томонидан корхонамизга 250,0 миллион сўм миқдорига кредит маблағи ажратилди. Кредит ҳисобига

энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар олиб келиниб, клиникамизга ўрнатилди. 10 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда иккала тиббий марказимиз ҳам вилоятимиз аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Банк қўмагидан миннатдормиз.



Нуриддин ДАНДИБАЕВ,

«Карманасут» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари:

— Жорий йилда корхонамиз томонидан сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда чорвачиликни ривожлантириш, йирик шохли насли моллар сотиб олиш мақсадида бизнес режа ишлаб чиқиб, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Навоий минтақавий филиалига мурожаат этдик.

Банк томонидан бизнес режамиз қўллаб-қувватланди ва бизга 230 миллион сўм кредит ажратилди. Натيجада 63 бош йирик шохли қора мол сотиб олиниб, корхонага тегишли бийода боқилмоқда. Эътиборли жиҳатларидан яна бири, ҳўжалигимизда 4 та янги иш ўрни яратилди.

Мансуржон МАМАТОВ,

«Lens textile invest» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз эркалар, аёллар, болалар майка ва футболкалари, шунингдек, буюртмалар асосида ҳар хил трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўз бизнесимизни йўлга қўйиб, фаолиятимизни ташкил этиш учун бино ҳамда айланма маблағ зарур эди. Шу боис АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»га мурожаат қилдик. Натияжада корхонамизга керакли кредит ажратиб берилди. Шунинг ҳисобига ишлаб чиқаришни ташкил қилиб, 180 та янги иш ўрни яратдик. Улардан 165 нафари касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида 12 та замонавий тўқув дастгоҳи сотиб олиш учун 936,0 миллион сўм кредит ажратилишини сўраб, ушбу банкка яна мурожаат қилдик. Бугунги кунда маблағлар тўлиқ ажратиб берилди.



Мафтунахон ПАТТАЖОНОВА,

Якка тартибдаги тадбиркор, Андижон вилояти:

— Касб-хунар коллежиди ўқитган вақтимдаёқ якка тартибдаги тадбиркор бўлишни ният қилгандим. Чунки, коллежимизга тижорат банкларининг вакиллари келиб, қўллаб тадбирлар ўтказарди. Унда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган ёшларга бугун барча имкониятлар яратилгани, керакли бўлган бошланғич маблағ банклар томонидан берилиши мисоллар орқали тушунтирилди. Шу боис-

дан ўзимнинг хусусий бизнесимни, яъни чорвачиликни ташкил этиш бўйича бизнес-лойиҳамни молиявий қўллаб-қувватлашини сўраб, мурожаат қилдим ва улар менга 50,0 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратди. Ушбу лойиҳам орқали йилига 13,4 тонна гўшт етиштиришни йўлга қўйдим.

Сайёра АТАЕВА,

Онлавий хусусий корхона раҳбари:

— Ўз хусусий ишимни, яъни нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятида АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро минтақавий филиалига мурожаат қилдик. Ушбу банк томонидан 250 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу кредит ҳисобига 5 нафар оила аъзоларимни иш билан таъминладим. Ҳозирда турли хилдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариб келмоқдамиз.

Биз ушбу банкдан молиявий қўллаб-қувватлагани учун миннатдормиз ва келажда ҳам ҳар доим ўз миқозлари ҳақида ўйлайдиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган «Ўзсаноатқурилишбанк» билан ҳамкорликни давом эттираемиз...

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ
тайёрлади.



■ 2014 йилда КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА 480 МИНГДАН ОРТИҚ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. БУГУНГИ КУНДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ УШБУ СОҲАСИДА ИШ БИЛАН БАНД БЎЛГАН АҲОЛИНИНГ 76,5 ФОИЗДАН ЗИЁДИ МЕХНАТ ҚИЛМОҚДА.



■ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА МАМАЛАКАТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИ ЭРИШАЁТГАН ҒАЛАБАЛАР ТОБОРА КЎПАЙИБ БОРМОҚДА. 2014 ЙИЛДА СПОРТЧИЛАРИМИЗ 849 ТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ, БУНИНГ 266 ТАСИ ОЛТИН МЕДАЛЛАРДИР.

